Тас.китоб палатаси
19 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№237 (5528).
16 ОКТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! 1984 йилги планни, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

АВИАРЕМОНТЧИЛАР АҲДИ

«Пахтазорда — ишлаб чиқаришдагидай меҳнат қиламиз! — Тошкентдаги 243-граждан авиацияси ремонт-механика заводи меҳнаткашлари Сирдарё областининг Меҳнатобод районидаги Дзержинский номли совхозда ана шундай шиор остида меҳнат қилишяпти. Корхонанинг 165 вакили 1 октябрда республиканинг юбилейи йилидаги катта «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун кураш да деҳқонларга ёрдам бериш учун чўлдаги ушбу хўжаликка жўнаб кетишганди.

Авиаремонтчи л а р қишлоқ меҳнаткашлари билан азалдан яхши дўстлик алоқалари ўрнатишган. Ўтган йили улар Пискент районида 200 тоннадан ортиқ пахта ҳосилини териб бердилар. Бу йил эса пойтахт областининг Оржоникидзе районида сабзавот ва пичан тайёрлашда зарбдорона меҳнат қилдилар.

Ишчилар шу кунларда ҳам коллектив шон-шарафини юқори тутишяпти. Пахтазорда ташкил этилган бригадалар ўртасида Улуғ Октябрнинг 67 йиллигини ва республика юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Мусобақа натижалари деворий газеталарда, «Чақмоқ»ларда ёритиляпти. Ҳар ўн кунликда голибларга кўчма Қизил байроқ тақдим этилмоқда. Яқинда ҳашарчилар ҳузурига пахтакорлар учун махсус тайёрланган программа билан завод дискотекаси борди.

Авиаремонтчилар шу кунгача 50 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тегришди.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

КУНИГА 100 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримиздаги илғор корхоналардир. Бирлашма коллективи шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада кўлоч ёйдириб, товарларнинг кўп ва сифатли ассортиментини ишлаб чиқармоқда.

БУГУН

корхонада йил бошидан бери ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатилган кенг истеъмол буюмлари 23 миллион сўмликдан ортиб кетди. Коллектив бу маҳсулотнинг асосий қисмини юқори сортларда тайёрлади.

Бирлашма ишчилари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, юбилей йилида меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ўстириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент арзонлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишда корхонанинг пешқадам 5-цехи коллективи намуна бўляпти. Бу цех конвейеридан туширилиб олинаётган дипломатларнинг сифати кейинги пайтда анча яхшиланиб, у ҳаридоргир бўлиб қолди. Цехнинг кўпгина илғор ишчилари «Беш кунлик — тўрт кунда!» шиори остида ишлаб, смена топшириқларини мунтазам 120—130 процентга етказиб адо этишяпти.

Бирлашмада шу кунларда ҳар куни 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланяпти.

• Тошкент—жаҳонга

УЧИНЧИ БУЮРТМА

БУГУН

Тошкент—жаҳонга

шаҳримиздаги «Узэлектромонтаж» трестига қарашли электромонтаж буюмлари заводи коллективи Афғонистон Демократик Республикаси буюртмасини бажаришга киришди. Буюртмага биноан завод ана шу дўст мамлакатга кўплаб миқдорда электромонтаж жиҳозлари етказиб бериши керак. Бу — корхонанинг Демократик Республикага юбилей йили ҳисобида учинчи марта маҳсулот етказиб беришидир.

Корхона маҳсулотларининг бугунги кундаги экспорт «географияси» 30 мамлакатдан ошиқдир. Сўнгги 10 йил ичида заводнинг экспорт қилинадиган маҳсулотлари ҳажми 35 минг сўмга кўпайди.

БИЗ ҲАММАМИЗ-ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 13

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.



Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Ш. Каримов, М. Юнусовлар хабар юборадилар.

Пахтазор ўқувчиларни чиниқтирмоқда



Фрунзе районининг мактаб ўқувчилари кўрик Мирзачўл районн пахтазорларида йиғим-теримн ишларида актив қатнашишмоқда. Район мактабларининг мингдан ортиқ 9—10 синф ўқувчиларн «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиштириб олишда фаол иштирок этишяпти.

— Ҳашарчи ўқувчилар 12 бригадага бўлинган, — дейди штаб бошлиғи, район халқ маорифи бўлимининг мудири Т. Раҳмонов. — Бригадалараро социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Илғорлар ўз вақтида аниқланиб, уларнинг тажрибаси кенг оммалаштириб борилади. Мусобақа якунлари ҳар куни кўриб чиқилиб, илғорлар моддий рағбатлантирилмоқда. Шунингдек, кўргазмали агитацня ҳам яхши йўлга қўйилган.

Ёш ҳашарчилар яхши меҳнат қилиш билан бирга мириқиб дам олишни ҳам билишади. Дала шийпонларида телевизорлар қўйилган. 48-мактаб ўқувчиларн кучи билан агитбригада ташкил этилиб, ёш санъаткорлар ўз тенгдошларн олдида тез-тез чиқиб туришади.

Ҳар бир кунни ҳашарчи-ўқувчилар зарбдорларча меҳнат билан якунлашмоқда. 144-мактабдан Н. Қодиров, 48-мактабдан В. Скобелев, И. Шальберкин синглари ўқувчилар ҳар куни хирмонга 40—60 килограммга етказиб пахта тўкишмоқда. Уларнинг ташаббуси ўқувчилар ўртасида кенг оммалаштириб борилаяпти.

Тошкент шаҳри мактаб ўқувчиларнинг «Бутун синф билан — пахта даласига» жанговар шиорн кўплаб ёш тошкентликларнн далага отлантирди. Уларнинг мақсади — деҳқонларимизнинг пешона терн эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиштириб олиш ва шу билан бирга республикамизнинг шонли юбилейнга муносиб совға ҳозирлашдан иборатдир.

* * *

СУРАТЛАРДА: Фрунзе районн мактабларнинг ўқувчилари пахта йиғим-теримида.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта йиғиб-тернб олишнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,73	77,47
Тошкент	2,14	73,61
Наманган	2,25	69,62
Андижон	1,61	69,54
Сурхондарё	1,84	63,65
Хоразм	2,20	58,83
Сирдарё	3,55	52,08
Самарқанд	1,62	49,71
Бухоро	0,98	48,90
ҚҚАССР	2,07	44,78
Навоий	1,45	42,79
Жиззах	2,16	42,59
Қашқадарё	1,13	32,67
Республика бўйича	1,86	56,74

ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА ТУРИБ

Халқ турмушида ўзининг алоҳида ўрни бор. Шу боисдан ҳам унинг олдига «олтин» ўзини қўшиб айтишган. Бу шунчаки далар ва боғлар сариқ рибосга бурканган чунингми эмас, энг сосийси, бу фаслда ехқоннинг фидокорона меҳнатига яраша ер ўз саховатини ўрсатади. Кузда ҳамма мева-чевалар пишиб илгуради, пахтазорларда эса «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш учун кураш қизийди.

«Ўроқ ва Болға» бузилмас иттифоқига содиқ бўлган шаҳарликлар шу долзарб кунларда деҳқонлар билан бир сафда туриб, мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Шу кунларда Ўзбекистон пойтахт ишчиларининг қишлоққа кўрсатаётган моддий техника ёрдами ҳам ўсди. «Сельхозтехника» бюуртмаси билан қишлоққа пахта териш комбайнлари узлуксиз жўнатиб турилибди. Тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинаси, пахта билан бир қаторда подборни терадиган ва тозалайдиган универсал ХНП-1,8 комбайни, ингичка толали пахтани терадиган комбайнлар бугунги кунда катта ўзбек пахтаси учун курашда зарбдор кучдир. Шу йилнинг фақат тўққиз ойи мобайнида «Ташсельмаш» машинасозлари Ўзбекистон колхоз ва совхозларига ҳамда мамлакатнинг бошқа пахтакор республикаларига 7.600 дан кўпроқ агрегатлар юбордилар.

Йил мобайнида колхоз ва совхозларнинг машина парки анча кенгайди. Бу янги техника воситалари асосан Тошкент корхоналарида тайёрланган. Бу йил деҳқонларга 19,5 мингта пахтачиликка мўлжалланган, шу жумладан транспорт тракторлари, 5845 та чигит экадиган агрегатлар, 2.400 пахта тозалаш машинаси, 3,7 мингта чанглагич-пуркагич етказиб берилди. Бундан ташқари шаҳар машинасозлари қишлоқ хўжалиги машиналарига ва чорвачилик машиналарига аталган эҳтиёт қисмлардан 5,3 миллион сўмлигини тайёрлаб бердилар.

Шаҳар меҳнат коллективлари оталиқдаги хўжаликларга самарали моддий ёрдам бериш бўйича тузган шартнома мажбуриятларини муваффақиятли амалга оширяптилар.

Чаноқлар, чаман-чаман очилган пахтазорлар чорламоқда. Бугунги кунда бизнинг асосий эътиборимиз ана шу пахтазорларга қаратилган. Шу ерда деҳқон билан бирга ғайрат-шижоат кўрсатмоғимиз лозим.

Шаҳар меҳнаткашлари мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонларга сидқидилдан ёрдам кўрсатиб, ўзларининг интернационал бурчларини бажаришяпти.

САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА ГДР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ 35

СССРда ГДР маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан Совет Иттифоқига келган ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер бошчилигидаги ГДР делегацияси Самарқандда бўлди.

Қардош мамлакатдан келган меҳмонлар шаҳарнинг янги қурилишларини кўздан кечирдилар, архитектура ёдгорликлари билан танишдилар, Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтида бўлдилар. Маданият кунларининг қатнашчилари Пастдарғом районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари билан учрашдилар, «оқ олтин» теримида қатнашдилар. Меҳмонлар Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз меҳнаткашлари ҳузурида ҳам бўлиб, янги маданият саройини кўздан кечирдилар, колхозчиларнинг ҳаёти ва турмуши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Совет Иттифоқи 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида бўлиб ўтган халқаро конференцияларда» нашрининг якунловчи, 6-томи босмадан чиқди. Унга учта иттифоқчи буюк давлат — СССР, АҚШ ва Буюк Британия раҳбарларининг Берлин (Потсдам) конференцияси (1945 йил 17 июль, 2 август) ҳужжатлари киритилган.

Эълон қилинган ҳужжатлар Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари — антигитлерчи коалициядаги мамлакатларнинг фашистлар Германияси ва унинг малайларига қарши олиб борган оламшумул-тарихий курашига якун ясайди. Ҳужжатлар урушдан кейинги адолатли ва барқарор тинчликни барпо этишда Совет Иттифоқи буюк роль ўйнаганлигидан яққол далолат беради.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ДОҲИЙ БЮСТИ

Тошкентдаги экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатининг санъаткорлари В. И. Ленининг ноёб бюстини яратмоқдалар.

— Корхонамиз бундай масъулиятли ва улкан топшириқни бажаришга биринчи марта бел боғлаб киришди, — дейди комбинат бош конструктори П. В. Першин. Ильичнинг кандакорлик услубида яратилаётган бюсти алюминийдан тайёрланмоқда. Бу асарнинг муаллифи — москвалик ҳайкалтарош Ю. Г. Нерода. Ҳайкалнинг баландлиги (унинг 6 метрли пьедесталини инобатга олмаганда) 16 метрдан иборат, ҳайкалнинг юқори қисми диаметри 10 метрдан ортиқ. Бундай кенг қамровли ҳайкаллар мамлакатимизда ҳали тайёрланмаган эди. С. Г. Зотов бошчилигидаги кандакорлар бригадаси ноёб ёдгорликни яратиш борасида қизғин ишламоқда. Ильичнинг бу бюсти Андижон сув омбори тўғонининг тепасида — 100 метр баландликда ўрнатилади. Жаҳон пролетариати буюк доҳийсининг барҳаёт ва ёрқин сиймоси узоқ-узоқдан яққол кўриниб туради.

тонгги газеталарда

● Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан амалий дўстлик визити билан 15 октябрда Москвага келди.

● Япония Социалистик партияси ишчилар университетининг профессори Мицуюки Синото бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

15 октябрь куни меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди.

● Республика иш самарадорлиги ва сифатини ошириш комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР темир йўл транспорти бошқармаларида давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

ОБИ-ҲАЁТ ДАРЁСИ

«Узгипроком м у н и ципинжпроект» институтининг мутахассислари шу кунларда ноёб лойиҳани яратишга киришдилар. У Туямўйин — Нукус — Чимбой — Тахтакўпир трассаси бўйлаб ўтадиган хўжаликлараро водопровод қувурининг лойиҳасидир. Бу сув томири Қорақалпоғистоннинг деярли катта территориясини қамраб олади.

— Оби-ҳаёт чашмасининг узунлиги 400 километрга яқиндир. — дейди институт бош инженери Б. М. Еремин. — Бу магистрал сахродан, қояли тошлар ва ботқоқликлардан ўтиб боради.

Янги сув манбаи қувури қалинлиги 1420 миллиметрдан иборат бўлган кўп қатламли тажриба қувурлари орқали ўтади. Шунинг учун ҳам республикада тўнғич ҳисобланади. Мамлакатимиз саноати яқиндан бошлаб бундай такомиллашган қувурларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган. Водопровод линиясида замонавий сув тўпланадиган ҳавза, тозалаш станцияси, сувни хлорлаш ва узатиш учун мўлжалланган узеллар қурилади. Сув томири Туямўйин сув омборидан оби-ҳаёт олади.

● ФУТБОЛ **«ПАХТАКОР»—«ДНЕПР» (Днепропетровск)—2:2**

Тошкентликлар мамлакат чемпиони билан бўлган бу учрашувни ҳужумкорлик билан ўтказдилар. Уларнинг хавфли зонадан узоқлашишлари учун ғалаба жуда зарур эди. Шунга қарамай иккинчи таймнинг ўртала-рига келиб «Пахтакор» 0:2 ҳисобида ютқазаётган эди. Тўпларни Яновский дарвозасига 13-минутда Протасов ва 63-минутда Чередник киритдилар.

Тошкентликлар учрашув охиригача ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Иккала жавоб тўпини ҳам 11 метрли жарима белгисидан Новиков киритди.

Ҳамшаҳарларимиз навбатдаги тур учрашувини ўз майдонларида 19 октябрь куни Донецкнинг «Шахтёр» командаси билан ўтказадилар.



МОСКВА. Кеча Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов — Г. Каспаров матчининг ўн учинчи партияси ўйналди. 34-юришда гроссмейстерлар дурангга рози бўлишди. Матчда ҳисоб ўзгаргани йўқ. А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти. Навбатдаги ўн тўртинчи партия регламент бўйича эртага ўйналади.

ВОЛГОГРАД. Бугун бу ерда аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чебурданидзе — И. Левитина матчининг ўн иккинчи партияси ўйналади. Матчда Чебурданидзе ҳозирча 6:5 ҳисобида пешқадамлик қиляпти. Рақиблар яна беш партия ўйнашлари лозим.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетида пойтахтимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган чет эллик студентлар навбатдаги йиллик машғулотни бошладилар. Улар «КПССнинг партия турмуши тажрибаси» курси бўйича лекциялар тинглайдилар. Курсда Вьетнам, Конго, Эфиопия, Лаос, Куба, Монголия, Сурия, Афғонистон ёшлари қатнашмоқдалар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 13—15, эртага кундузи 25—27 даража иссиқ бўлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЁҚУБОВНА ЁҚУБЖОНОВА

№ 10 (23)



Созловчи-йиғувчи Валентин Петрович Семенюкни «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпчилик яхши танийди. Уруш ва меҳнат ветерани пенсияда бўлишига қарамай меҳнат қилишни давом эттирмоқда. Узининг бой ҳаётий тажрибасини, билимини ёшларга сахийлик билан ўргатмоқда. Самарали меҳнати ва актив жамоатчилик иши учун В. П. Семенюк Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Айни кунларда В. П. Семенюк ва унинг шогирдлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган мусобақада актив қатнашмоқда.

СУРАТДА: В. П. Семенюк.

М. Нурмуҳаммедов фотоси.

Ветеранлар ҳақида ҳикоялар

ЖАНГЧИ ШИФОКОР



Ҳозирги И.Охунбобоев номли медицина билим юртини 1926 йилда томомлаган ёш йигит Қашқадарё областига йўлланма олиб, фельдшер бўлиб иш бошлади. У бу ерда ишлаш билан бирга, ришта касаллигига қарши курашда жонбозлик кўрсатди. Шу йиллари босмачиларга қарши олиб борилган курашларда ҳам Аҳмаджон Ёқубжонов актив иштирок этди.

Билим юртида олинган билимини янада мустаҳкамлаш даркор эди. У 1933 йилда Тошкент Давлат медицина институтини битириб терапевтлик касбини пухта эгаллаб олди. Ёш врач Тошкент областининг безгак, ришта касалликлари тарқалган жойларда ишлади. Аҳмаджон фашист газандаларининг Ватанимизга хоинона бостириб кирганини эшитдию, кўнгиллилар қаторн жангга отланди.

Унинг қисми Термизда қисқа ҳарбий тайёргарликдан ўтгач фронтга жўнатилди. А. Ёқубжонов медицина-санитария бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Жанг майдонларида ўлим билан юзма-юз хизмат қилишга тўғри келди. Москва учун бўлган қонли жангларни ўз кўзи билан кўрди.

Москва остоналарида жанг бўлаётган бир пайтда 2293-госпиталгв душман бомба ташлаб портлатгани, яраларга ёрдам бериш қанчалик даҳшатли бўлганлигини жангчи врач ҳамон эслайди. Ўзбек халоскор жангчиси Ғарбий фронтда 316-ўқчи дивизиясида ҳарбий врач сифатида яралорларга қайта ҳаёт бағишлаб яна жанг майдонларига қайтишларида бор маҳоратини ишга солди.

Собиқ ҳарбий врач фронтдан қайтгач Ўрта Чирчиқ, Бўка район соғлиқни сақлаш бўлимларида киншилар саломатлиги посбонлигида турди. Кейинги йилларда Аҳмаджон Ёқубжонов пойтахтимизнинг Киров районидаги поликлиникаларида врач-терапевт бўлиб ишлади.

У 1954 йилдан бери КПСС аъзоси. Коммунист қаерда ишламасин жамоат ишларида фаол қатнашиб келди.

Ҳозир Аҳмаджон ака 80 ёшни қаршилади. Лекин ҳали жуда тетик. Ҳамон у одамлар орасида, баҳоли қудрат хизматда, халқ иззатида.

У 5-поликлиника комсомол ташкилотига оталиқ ёрдам бермоқда. У ёшларга биринчи комсомоллар ҳақида, совет жангчиларининг фронтда кўрсатган жасоратлари ҳақида сўзлаб беради. Уларни меҳнатсевар, ватанпарвар бўлишга чақиради. У 20, 70-мактаб ўқувчилари бўлиб, бунинг 40 йиллигидан ҳикоялар ўқиди. Ёш пионер ва комсомол аъзолари кеча ўтказилган учрашувда ўзларига берилган топшириқларни сўзлаб беришди.

Отахон ўзининг ҳаётидаги энг ёрқин саҳифаларини ёшларга ҳикоя қилиб берди. Ўтказилган учрашув ёшларга катта таъсир кўрсатди. Ўқувчилар ўзларига берилган топшириқларни бажаришга ваъда беришди.

«ВЕТЕРАН» ЁРДАМ БЕРДИ

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси М. Коваленконинг квартирасига имтиёзли асосда телефон ўрнатишди. Лекин уни телефон тармоғига улашмади. У бир неча марта АТСга борганига қарамай, лоқайдлик тўсиғини ёриб ўта олмади. Натижада кекса фронтчининг манфаатларини редакция ҳимоя қилишига тўғри келди. Мана, шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, М. Коваленконинг квартирасидаги телефон улаб берилди ва яхши ишлаб турибди. Алоқачилар Улуғ Ватан урушн ветерапини безовта қиладиганларни учун узр сўрашди.

«ВЕТЕРАН»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Улуғ Ватан урушн қатнашчиси И. Злобин редакцияга хат йўллаб, омласи билан ўта тор уйда яшаётганини баён қилган эди. Ушбу хатга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетидан жавоб олинди:

«И. Злобининг саломатлиги ҳисобга олиниб, у яшаб турган жойни район фондидаги квартирага алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу жой санитария нормаларн бўйича беш кишилик оилага етарли».

Б. БЕКМИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси ўринбосари.

«ВЕТЕРАН»ГА ХАТ ҚАЙДАСАН ВЕЛОСИПЕД?

Велосипед катта ёшдагилар учун ҳам, болалар учун ҳам бирдай қулай транспорт воситаси. Афсуски, кейинги пайтда велосипеднинг қулай маркалари аңқонинг уруғига айланиб қоляпти.

Бундан бир неча йил бурун Бронск областидаги Жуковский велосипед заводи кексалар учун уч ғилдиракли велосипед ишлаб чиқаришга киришгани хабар қилинган эди. Бизнинг Тошкентга ҳам шундай велосипедлар келиб қолар деб хурсанд бўлган эдик. Лекин сотувда кўринмаяпти. Кексалар эса уч ғилдиракли велосипедни ҳамон кутишяпти.

Шаҳар савдо Бош бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар велосипед танқислигини қачон бартараф этишар экан?

С. ЯХИН
шахсий пенсионер.

Юбилярларимиз

ПАРТИЯ САФИДА 60 ЙИЛ



1924 йил. Эндигина қизил командирлар курсини битирган Ориф Обидов отлиқ-тоғ батареяси взводи командири қилиб тайинланди. Кўп ўтмай у партия аъзолигига қабул қилишларини сўраб батарея партия ташкилотига ариза берди. Май ойида унинг ҳаётида унутилмас кувончли воқеа юз берди. Уни ҳарбий қисм коммунистлари партия сафига қабул қилдилар.

Ўша кезларда ўлкада саводли кишилар саноқли эди. Партия ташкилотлари саводсизликни тугатиш учун жонбозлик кўрсатиб ишлар эдилар. Айни пайтда Бухоро Халқ Совет республикасида ҳали босмачилар тўла тугатилмаган эди. Улар чекка қишлоқларда изғиб юрар, тинч аҳолини, камбағал деҳқонларни талар эдилар. Қизил армия командири, коммунист О. Обидов ҳам босмачиларга қарши курашда фаол қатнашди.

— 1924 йил баҳор ойлари эди, — деб хотирлайди Ориф Азимович. — Мен командирлик қилаётган взвод Косон кентига аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари олиб бориш учун юборилди. Узуноқдуқ қишлоғида Турди Тўқсабо қўрбошн ўз босмачилари билан тўпланиб турганлиги ҳақида хабар топдик. Тезда ўша қишлоққа жўнадик. Босмачилар тўдаси билан қаттиқ жанг бўлди. Сафдошларимиздан бир неча киши қаҳрамонона ҳалок бўлди. Лекин жангда биз ғалаба қозондик. Турди қўрбошини бир неча ҳамтовоқлари билан асир олдик. Уларни Косонга олиб келиб, фавқулодда комиссияга топширдик.

Бу жангдаги қаҳрамонлиги учун О. Обидов Бухоро Халқ Совет республикасининг ордени билан мукофотланди.

1924 йилнинг кузида О. Обидов ўз взводи билан Косонда иккинчи маротаба бўлди. Партия ва совет ходимлари билан биргаликда қишлоқ аҳолиси орасида ташвиқот-тарбиявий ишлар олиб бордилар. Улар Касби қишлоғида бўлганларида бир эшон камбағал деҳқонларни алдаб, талаётганлиги маълум бўлиб қолди. О. Обидов ва бошқа раҳбар ходимлар қишлоқдаги хонаҳоға — эшоннинг олдига бориб, унинг фирибгарлигини фош қилдилар.

Маълум бўлишича, эшоннинг саккиз муриди — хизматчисн бўлган. Уларнинг ҳар бирининг «от», «сигир», «қўй», «эчки» ва ҳоказо лақаби бўлган. Эшонга олиб келинган совғага қараб, тегишли лақабли мурид меҳмонни кутиб олиб эшоннинг олдига бошлаб кирар экан. Эшон кириб келган киши қандай совға олиб келганини кўрмасдан туриб, нима олиб келганини айтиб, «каромат кўрсатиб» шундай фирибгарлик қилар экан. Эшон шу билан ўзининг номини чиқаришга, ўзига сиғинувчи муридлар сонини оширишга ва бойишга ҳаракат қилганлиги маълум бўлди. Қишлоқ активлари ёрдамида эшоннинг сири очилди. Унинг халқни алдаб орттирган бойлиги мусодара қилинди. Эшонга хонақода истиқомат қилиш ман этилди. Эшоннинг омборидан топилган ғалла қишлоқ аҳолисига бир пақирдан бўлиб берилди.

О. Обидовнинг республикамизда социализм қурилишининг муҳим қисми бўлган қишлоқ хўжалигини колективлаштириш даги ҳиссаси ҳам катта. У 1932-1933 йиллари Косон район партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлаб колхозлар ташкил этилишида, айниқса жонбозлик кўрсатди.

— Колхоз ишлаб чиқариши кадрлари тайёрлаш, партия ячейкаларн ишини яхшилаш, колхозчилар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни кенгайтириш масалалари район партия комитети бюроси, пленумн мажлисларида тез-тез кўрилиб турар эди, — дея эслайди Ориф Обидов.

Коммунист О. Обидов Улуғ Ватан уруши жангоҳларида ҳам мардонавор курашди. 1942 йили Дон фронтида 94-алоҳида ўқчилар бригадасининг миномёт батальони комиссари эди. Кейин жанубий-ғарбий фронтда отлиқ полк командирининг снёсий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилди. У қўмондонлик томонидан берилган топшириқларни пухта ва тез бажарар, душман танкларини яксон қилар, омборларини портлатар, немис-фашист армияси солдат ва офицерларини асирга оларди.

Капитан О. Обидовга жанглардаги жасорати учун иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени, Қизил юлдуз ордени, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари берилган.

Бугунги кунда 60 йиллик партия стажига эга бўлган О. Обидов 80 ёшга кирганлигига қарамай, тинмб-тинчимайди. У Октябрь район партия ветеранлари Советининг раиси. У тез-тез мактаблар, институтлар, корхоналар, ҳарбий қисмларда бўлади. Ёшларга ўз хотираларини сўзлаб беради. Унинг бой ҳаётий тажрибаси ёшлар учун ибратлидир.

И. АЛИМОВ,
тарих фанлари доктори.

Партия ветеранлари намунаси

КОМСОМОЛ БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув бўлиб ўтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Коммунистларнинг кекса гвардияси ёшларни энг яхши революцион ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш борасида кўп иш қилдилар. Шаҳар партия комитети қошида ташкил этилган партия ветеранларининг шаҳар совети ва район партия комитетлари қошида ташкил этилган партия ветеранларининг район советлари ишчи-ёшлар, студентлар, ўқувчиларга ўз таъсирларини кучайтирдилар, комсомолга оталиқ ёрдамини активлаштирдилар.

Яқинда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида шаҳар партия ветеранлари совети ва шаҳар комсомол комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган Тошкент комсомол ва ёшларининг коммунистларнинг кекса авлоди билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов республикамиз қандай ташкил этилгани тўғрисида сўзлаб берди. Партия ветерани, ветеранлар советининг раиси Иван Сергеевич Секретарев шу йил сентябрь ойида ВЛКСМ Марказий Комитети ўтказган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида қатнашди. Унинг ёшларга сўзлаб берадиган хотиралари кўп.

Залда тўпланган йигит ва қизлар унинг нутқини зўр қизиқиш билан тинглайдилар. Владимир Ильич Ленин комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида ёшларга қилган васиятлари ва комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида бугунги кунда ёшлар олдига қўйилган вазифаларни зўр диққат билан тинглайдилар.

ТошМИ сиёсий-иқтисод кафедрасининг мудири, профессор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Азиз Тўхтабоев интернационал дўстлик тўғрисида мисоллар келтирди, бу дўстликнинг қандай самаралар бераётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Партия ветеранлари Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, босмачиликка қарши кураш, Улуғ Ватан урушида олиб борилган жанглар ҳақида ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари В. А. Мишин минглаб тошкентлик комсомоллар фикрини ифодалаб учрашувда шундай деди:— Ўртоқлар, сизлар комсомолда вояга етгансизлар. Биз ҳам унинг тарбияланувчиларимиз. Ў ҳар биримизга ҳаётга йўлланма берган. Бошқа — келгуси авлодлар, 80-йиллар ёшлари сингари сизларнинг социалистик она Ватанимиз, унинг ёрқин келажаги йўлида амалга оширган ҳаҳрамонона ишларингизни миннатдорлик туйғуси билан эслайдилар. Яна қўплаб авлодлар сизларнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарингиз руҳида тарбияланадилар. Чунки авлодлар бирлиги ва ворисийлиги совет жамиятининг характерли хусусиятидир.

Бир масалага оид икки муаммо

РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

Редакцияга кекса, кайфияти жуда бузилган киши кириб келди. Уни ўта беҳаёлик билан чув туширишган экан.

— Мен умр йўлдошим билан кўпдан бери рангли телевизор харид этишни орзу қилардим. Пенсиямизни йиғиб юрдик, — дея ҳикоя қилади Иван Васильевич Попов. —Ниҳоят, 6 сентябрь куни ниятимизни амалга оширмоқчи бўлдик. «Ташкилторг»нинг Луначарское шоссесида жойлашган 12-магазинига келдик. Назаримиз яхши ранг-тасвирли «Рекорд»га тушди. Секция мудири Б. Зоитов унинг техник имкониятларини батафсил намойиш этиб, шундай деди: «Ёққан бўлса бориб пул тўлаб келинг». Биз ҳужжатларни расмийлаштириш билан овора бўлар эканмиз, телевизорни идишига жойлаштириб, машинага ортишди...

Лекин уйимизга магазинда кўрсатилгани эмас, бошқасини етказиб беришди. Уни илгари кимлардир ишлатган, ҳаммаёғи кир эди. Унинг инструкциясида ҳам бирорта гарантия талони йўқ. Уни илгари ремонт қилишган бўлса керак?

Иван Васильевич бизга ана шу инструкцияни кўрсатди. У чиндан ҳам эскилигига ишонч ҳосил қилдик. Унинг 12-бетида 2067 рақами ёзилган. Шунингдек, телеателъеда қачондир ким томондан ёзилган 320276 ва 333918 телефон номерлари бор. Иван Васильевичнинг ҳузурига телевизор ишламаслиги сабабли бир неча марта уста келди.

— Ҳозир ҳам шундай кўрсатяптики, — дея афсусланди Иван Васильевич, —унга қарагинг келмайди, асабинг бузилади. Магазинга ҳам бордим. Мени алдаганн учун Б. Зоитов уялса керак деб ўйлаган эдим. У парво ҳам қилмади. «Бобо, хоҳлаган жойингга бориб шикоят қил, барибир ҳеч нарсага эриша олмайсан» деди. Ахир мен 83 ёшдаман. Кўп юра олмайман. У шунга шаъма қилаётган бўлса керак.

Бу ягона ҳодиса эмас. Сотувчилар кекса кишиларга бунчалик қўполлик қилишаётганига гоҳида дуч келинса ҳам эътиборсизлик ҳолларига йўл қўйилаётгани рост. Ёшлар кўпинча қариялар ҳам ўз вақтида ёш, соғлом кишилар бўлишганини, бугунги фаровон турмушимиз учун анчагина куч-ғайрат сарфлашганини унутиб қўйишади.

Чунончи, Иван Васильевич Улуғ Ватан урушида ҳаракатдаги армия ортидан борган темир йўл батальонининг командири бўлган. Уқ-дорилар ташиган, темир йўлларни, кўприкларни қайта тиклаган... Сталинграддаги жанглар пайтида душман бомбалари остида баржага жанговар аслаҳаларни ортиб, шаҳар ҳаёт-мамотини ҳимоя қилганларга Волга орқали жўнатиб турган. И. Попов салкам йигирма йил Забайкальеда хизматда бўлди. Армиядан демобилизация қилингандан кейин ҳам ҳарбий қисмда шофёр-таржимон бўлиб ишлади. Характеристикасида ёзилганидек қўмондонликка катта ёрдам кўрсатди. Кейин кўнгиллилар қаторн қўриқ ерни ўзлаштириш учун оиласи билан Оренбург областига борди. Цвилинг номли совхоз ташкил этилишида қатнашди. Шу ердан пенсияга чиқди. Бекор турмади, шунда ҳам элга фойдаси тегди.

Албатта, 12-магазин сотувчиси Б. Зоитовнинг биографияси бунчалик бой эмас. Ундан ҳам алдаб, бошқалар ёшлаш мумкин деган биографияни турган гап.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Улуғ Ватан уруши инвалиди Василий Иванович Борисенко (Еремян кўчаси, 36-уй) Луначарск марказидаги магазиндан «Фотон —736» телевизорини сотиб олди. «Ишлатиб кўрган эдим,— деб ёзади у,— овози чиқмади. Магазинга борсам, улар гарантия устахонасига мурожаат этишни маслаҳат беришди. Телевизорим уч ойда икки марта устахонада бўлди. Биринчи мартасида ремонтда икки ҳафта, иккинчи мартасида ўн кун турди. Ҳамон товуши йўқ. Устахонадан чақирилган уста ҳамиша ҳам келавермайди. Магазинда носоз телевизорларни сотишяпти, уни сотиш олдидан сифатини текширишмаяпти. Меннмча телеателъеларда телевизор ремонтдан кейин ҳам созланмаса тайёрловчи заводга қайтариш тўғрисида акт тузилиши керак».

Ҳа, шундай қилинмоғи даркор. Лекин нйма учун бундай қилинмаяпти. Қимматбаҳо буюм учун ҳеч ким масъулиятни ўз бўйнига олмайди. Шундай бўляптики, киши буюм харид қилганидан хурсанд бўлади-да, кейин уни нима қилишини билмайди. Пулингни ҳам қайтариб беришмайди,—буюмни ҳам алмаштириб ололмайсан. Уйнинг бурчагига тиқиб қўясан... Турган-битгани асаббузарлик.

Строительная кўчасида яшовчи иккинчи группа инвалиди Аъзам Саломов рангли телевизорини уйида ремонт қилишда ёрдам бергани. Чунки у телевизорни олиб боролмайди. Ҳақини етмайди. Ваҳоланки, ателъенинг ўз транспорти. Нима учун ундан фойдаланмайди, деган савол туғилади. Уруш қатнашчиси (Високовольт мастерской) ойдирки телеателъесига» рангли телевизорни нескопинки алмаштирди.

«Зангори экран» ранг-баранг мушоҳада. Бундан энг муҳими фикримизча савдо ходимларининг ҳам ўз хонасаби «Зангори экран» ларига муносабатини ҳеч ойдирки, телеателъелар мутахассисларининг чатти иши асабини ўйнатмасин — деб ёзади редакцияга йилдан партия ъзоси, орденли кавалери Иванович Горский. Дарҳақиқат телевизорни ремонт қилишга ўринган ўтгри келади. Ҳар 15 сўмгача тўланадиган чақириққа уста А. Ғозиев ди. У софдил, билимдон, ҳассис экан. Эндигина телевизорни бузилса фақат тиб беради. Бундай раҳмат демай бўлмайди.

Афсуски «Зангори экран» ходимларига бундай шакқурлар жуда оз. Сиз иш тўғрисида эса сероб.

Ветеран ва «Жигули»

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, истеъфодаги подполковник Иван Андреевич Коннов кўп вақтдан буён ҳаракат қилишига қарамасдан «Жигули» ололмаяпти. Социал таъминот органларида унга темир йўл милициясининг собиқ ходими бўлганлиги ва ўша ердан пенсияга чиққанлиги учун ана шу ташкилотнинг коллектнв бу ҳақда ғамхўрлик қилиш кераклигини тушунтиришди. Тошкент транспортдаги ички ишлар бошқармаси маший комиссиясида И. Конновга тўғридан-тўғри Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси раҳбарларига тавсияном билан чиқишни таклиф этишди. Чунки ажратилган фондларни темир йўл бўлинмалари бўйича, шунингдек, транспорт милициясига улар тақсимлашади. И. Коннов худди шундай қилди.

«Ўтган йилнинг охирида, — деб ёзади редакцияга Иван Андреевич, — у ердагилар менинг илтимосимни қондириш имкониятини топишолмади. Аммо шу йилнинг бошида Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари В. Желтоухов ва Ўрта Осиё темир йўли касаба союз комитети раисига бир неча бор мурожаат қилганимдан кейин 1984 йил учун транспорт милициясининг Ўрта Осиё бошқармасига иккита «Жигули» автомобили ажратилди. Улардан бири менга мўлжалланган эди. Гўё масала ижобий ҳал қилинаётгандек эди. Ҳатто менга «Тошкент» стадионн милицияс

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА 35 ЙИЛ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ҚАРДОШЛАР БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

• («ГДР репортажлари» туркумидан)

1. САНЪАТГА ШАЙДО ЭЛ

Шу йилнинг 23 сентябри. Дрезден. Шаҳар маданият саройи хамшабинлар билан тўла. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари эстрада ашулачилари ХIII Халқаро фестивалининг якунловчи концерти дастури эътиборга олинмоқда. Шаҳримизда ўтаётган бу фестиваль географияси ҳам кенг. Унинг моҳиятан янги ижодий ҳаётга қимматга эга, десак, асло муболаға бўлмайди. Фестиваль конференсьесси раиси Дагмар Федерник, Германия Федератив Республикасидан 11 та ўзаро ҳамкор социалистик мамлакатдан 18 якка ва жамоа ижрочи ва алоҳида ансамбль ва коллективлар фаол иштирок этишди. Уларнинг тўққиз нафари халқаро финал концертида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биринчи ўринга талабгорлик қилган уч хонаданинг ҳар бири — сизнинг ҳамюртингиз, Ўзбекистон давлат радио-телевидениесининг эстрада-симфоник оркестри соҳибаси Наталья Нурмуҳамедова бўлди...

Қалбимда дафъатан бир дошлик туйғуси туғилди. Наталькини табриклашга шошилдим. Соф немис тилида Э. Штайнер билан «У менинг ёшимда эди» ва Ўзбекистонни юксак маҳорат билан ижро этган атлас қўйлакли қизни табриклашга чиқаётганлар орасига қўшилиб кетдим. Шундан кейин, фестиваль лауреатларидан яна бири — Германия Демократик Республикасини и н г бойиб қўшиқчиси Йорг Хиндемит билан қисқача суҳбатлашишга улгурдим.

— Асли касбим инженер,— деди у немисча талаффузда русча гапиришга ҳаракат қилиб, 1979 йилдан буён саҳнадаман. Республикамиз ёшлари журнали «Нойес Лебен» ўтказган анкета натижаларига кўра 1983 йилнинг энг оммавий қўшиқчиси деб топилдим. Лекин мен Сизга айтсам, немислар азалдан санъатга шайдо эл. Қўшиқчилигимиз тарихи жуда узоқ ва бой. Айниқса, эстрада қўшиқлари кенг ривож топган...

Унинг фахр тўла сўзлари менга Берлинда—ГДР маданият министри ўринбосари Дитмар Келлер билан бўлган суҳбатни ва у келтирган айрим рақамларни эслатди.

— Мамлакатимиз музика ҳаёти асосини 90 га яқин давлат оркестри ташкил этади, —деганди у, —уларнинг 42 таси театр ва радио оркестрларидир. Бу оркестрлар ҳозирги кунда ўз сафларига 5 минг санъаткорни жамлаб турибди. 1548 — 1570 йиллардаёқ асос солинган Дрезден, Берлин давлат капеллалари, 1743 йилда иш бошлаган Лейпцигдаги «Гевандхаус», 1870 йилда шаклланган Дрезден филармонияси симфоник оркестрлари шон-шуҳратини бутун жаҳон билади...

Ҳа, Келлер ўз мамлакатининг қўшиқчилик санъати ва музика ҳаёти билан ҳар қанча мақтанса арзийди. Республика партия ва ҳукумати санъатсевар халқ хоҳиш-истагини назарда тутиб, малакали қўшиқчилар ва бастакорларнинг янги авлодларини тарбиялашга кенг эътибор бериб келмоқда, Ҳозир бу ердаги 105 та давлат музика мактаби ва уларнинг 300 дан зиёд филиалларида ҳар йили тахминан 35 минг ёш йигит-қиз мусиқавий санъат сирларини ўрганмоқдалар.

— Улар келгусида немис халқининг фахри ва ғурури бўлган



СУРАТДА: Дрезден филармонияси симфоник оркестри ижрочилари.

тенгсиз истеъдод эгалари Фон Вебер, Вагнер, Бах, Шуманлар бўлиб етишиши керак, —деди Келлер сўзини якунлаб, — СССРда ўтажак маданият кунларимизда Сиз уларнинг бугунги устозлари санъати ва моҳияти билан албатта танишасиз. Улар қуёшли республикангиз пойтахти — Тошкентда ва кўхна, гўзал шаҳрингиз Самарқандда ҳам бўлишади.

2. ТАСВИРЛАРДА ТИНЧЛИК МАВЗУСИ

... Концерт тугаб, меҳмонхона сари йўл олганимизда республика Рассомлар союзи раиси Вилли Ситте билан Маданият министрлигининг матбуот ишлари бўлими мудираси Маргот Цеш бизни яна Берлинга — тасвирий ва амалий санъат музейига таклиф қилишди.

Республика рассомлар Марказий уйидан унча узоқ бўлмаган гавжум кўчаларнинг биридаги тасвирий санъат музейида машҳур немис рассоми Вернер Тюбкенинг ҳали тугалланмаган бир асари диққатимни ром этди. Унинг «Республикам паҳлавлари» деб номланган монументал триптихида мамлакатнинг Демократик республика деб эълон қилинганидан сўнгги 35 йиллик ўсиш-улғайиш йиллари, фидокорона меҳнат симфонияси талқин этилган.

— Мудҳиш фашизм қурбонлари Отто Нагель, Гане Грундик сингари таниқли рассомлар асос солган тасвирий санъатимиз шонли анъаналарини, —дейди В. Ситте, — урушдан кейинги йилларда Фриц Кремер, Виль Ламмерт, Вальдемар Гржимак, Рене Грец каби иқтидорли рассом ва ҳайкалтарошларимиз муваффақиятли давом эттиришди. Уларнинг бугунги кунда республика тасвирий санъати олтин фондига кирган барча нодир асарлари уруш йилларини фашизм концлагерлари жойлашган ерларда яратилганлиги билан жуда-жуда қимматлидир.

Фашистлар зулмидан яширинишга мажбур бўлиб, қатор йиллар муҳожирликда юрган Макс Лингер, Джон Хартфилд, Оскар Нерлингер, Рудольф Бергендер, Леа Грундиг, Арно Мор, Вальтер Арнольд ва бошқа ўнлаб санъат арбоблари урушдан кейин Ватанига қайтиб, республикамизнинг янги, реалистик санъати равнақига баракали ҳисса қўшдилар. Улар қайси жанрда ишламасинлар, ўз асарларининг бош қаҳрамонлари қилиб мамлакат гуллари ва эгалари — социалистик дунё бунёдкорлари— Инсонни мадҳ қилишяпти. Инсон орзу-умидларини, турмуш тарзини, ҳаётга бўлган муҳаббати-ю, урушга нафратини ёрқин бўёқларда тасвир этмоқдалар. Биз бу асарларнинг энг яхшиларини сизнинг Ватанингизда, тинчлик, бахт-саодат кўргони— Москвада, Ленинградда, Болтиқ бўйи шаҳарларида, Тошкентда намойиш этиш имкони берилганидан ғоят миннатдормиз.

3. РЕЙХСТАГ ОЛДИДА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЧАЛАР

... Музейдан чиқиб, Бранденбург дарвозасини кўрмоқчи бўлдик. Пиёда кетдик. Урушнинг сўнгги кунлари Гитлер амри билан сув қўйиб юборилган метро станцияси ёнидан ўтдик.

— Суви чиқариб олингач, тарих учун сақлаб қўйилган. Бошқа станциялар ва янгидан қурилганлари ишлаб турибди,— изоҳ берди таржимонимиз Наташа Бемарио.

Мен шу кезда беихтиёр Улуғ Ватан уруши эпопеяси —«Халоскорлик» кинофильмининг сўнгги сериялари биридаги кадрларни эсладим:

... Лиммо-лим сувга тўлган метро... Фарёд чекиб сузаётган хотин-халажлар, дод солиб чўкаётган ярадорлар, болалар... ва ниҳоят уларни қутқаришга шошилаётган совет солдатлари... Қулоқларим остида суҳбатдошим— В. Ситтенинг тасвирий санъатда Тинчлик мавзуси ҳақида айтган сўзлари қайта жаранглагандек бўлди. Хаёлимни болаларнинг гуррос қийқириғи-ю, жарангдор қўшиқлари бўлди. Шундоқ муюлишда— болалар боғчаси ёнидан ўтаётган эканмиз. Улар мураббиялари назоратида сафга тизилиб, қўлларида жажжи қизил байроқчалари билан қўшиқ айтиб боришарди.

Назаримда болалар шу лаҳза Тинчлик байроғини кўтариб, Тинчлик қўшиғини куйлаб бораётгандек, уларнинг бу жарангдор қўшиқларига бутун жаҳон қулоқ тутаётгандек эди...

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
Дрезден — Берлин — Тошкент.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

БЕЛГРАД. Югославия пойтахтидаги касаба союзлар уйида Сербия ўқитувчиларининг биринчи съезди очилди.

Республика маориф ходимлари 20 минг кишилик армиясидан вакил бўлиб келган мингдан зиёд делегат мактабни ривожлантиришга оид муҳим масалаларни муҳокама қилади, турли фанларни ўқитиш тажрибасини ўртоқлашади, педагогларни профессионал жиҳатдан тайёрлашни такомиллаштириш проблемаларини кўриб чиқадилар. Съезднинг кун тартибида Сербияда маориф системасини ислоҳ қилиш масалаларига муҳим ўрин берилган.

• • •

ДЕҲЛИ. Покистонда Ҳиндистоннинг Панжоб штатида террорчилик ва қўпорувчилик хуружларни амалга ошириш маҳфий плани ишлаб чиқилган. Ҳиндистоннинг «Пэтриот» газетаси хабар қилишича, бу план узоқ даврга мўлжалланган.

Покистон махсус хизмат маҳкамалари билан қалин алоқада бўлган Панжоб экстремистлари бошлиқларидан бирини қамоққа олиш чоғида қўлга туширилган ҳужжатларга кўра ана шу планнинг авторлари Панжоб ишларига доимий аралашиш имконини берадиган жуда яширин агентура тармоғини вужудга келтириш ниятида-дирлар. Планда қўпорувчиларнинг террорчилик хуружлари учун асосий нишон бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган объектлар конкрет айтиб ўтилган.

• • •

ХАРАРЕ. Жанубий Африка режими «фронт бўйи» давлатларидаги вазиятни бутун чоралар билан беқарор қилишга интилмоқда, деди Зимбабве ахборот, почта ва телекоммуникациялар министри Натан Шамуяpира.

У Африка жанубий мамлакатлари дин арбобларининг бу ерда ўтаётган учрашувида сўзга чиқиб, Претория ўзининг жиноий мақсадларига эришиш учун қўпорувчилик воситаларидан кенг кўламда фойдаланмоқда деб таъкидланди. Преториянинг Ғарбий Европа ва АҚШдаги эмиссарлари сиёсий арбоблар Африкага қарши шовқин-суронни кучайтиришда кўмаклашишларига эришиш учун уларни тўғридан-тўғри сотиб олиш билан шуғулланмоқдалар.

Корнойбург (Қуйи Австрия) СССР ва Австрия Давлат Байроқлари билан безатилган Корнойбургдаги кемасозлик корхонасида СССРнинг буюртмаси билан янги типдаги кемалар туркумидан биринчилари — қуруқ юк ташувчи иккита кемани қуришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бу кемалар оддий юкларни ҳам, контейнер юкларни ҳам ташишга мўлжалланган.

Янги кемалар энг замонавий навигация

СССР УЧУН КЕМАЛАР

ускуналари, шу жумладан Совет Иттифоқида тайёрланган ускуналар билан таъминланади.

Маросимда сўзга чиққан кишилар совет ташқи савдо ташкилотлари 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён Корнойбургдаги кемасозлик корхонасининг асосий шериги эканлигини таъкидладилар. Шу йиллар мобайнида Австрия кемасозларни СССРга 120 дан кўп турли типдаги кемаларни — пассажир лайнерларини, кучли буксирларни, қуруқ юк ташувчи махсус кемаларни етказиб бердилар.

Афғон юристларининг мактуби

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси махсус революцион судининг суд ҳайъати БМТ Бош секретари Ҳ. Перес де Куэльярга мактуб йўллаб, унда АҚШнинг Афғонистон ички ишларига аралашуви давом этаётганлигини кескин қоралади.

Мактубда айтилганидек, аксилинқилобчилар 31 август куни Кобул халқаро аэропортида уюштирган портлатиш натижасида 13 киши ҳалок бўлди ва 207 киши жароҳатланди. 4 октябрда бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси чоғида жиноятчилардан бирининг квартирасида топилган бомбалар Америкада ишлаб чиқарилганлиги аниқландм. Бандитлар рад этиб бўлмайдиган далиллар олдида ўзларини айбдор деб тан олиб, Покистон территориясидан Афғонистонга чет эл, жумладан Америка қурол-яроғларини олиб келганликларига иқрор бўлдилар. Улар Покистонда Америка инструкторлари ва бошқа инструкторлар раҳбарлигида махсус диверсиячилик тайёргарлигидан ўтганликларини ҳам айтдилар. Айни вақтда аксилинқилобчилар терроручилик ҳужумларини ўтказиш учун Покистондаги МРБ агентларидан 4 минг доллар олганликларда ҳам ўзларини айбдор деб билдилар.

АДРнинг махсус революцион суди мана шу рад этиб бўлмайдиган фактларга асосланиб Кобул аэропортидаги воқиънинг жиноятда бандитлар билан бир қаторда Америка империализмини ҳам айбдор деб топди. Суд ҳеч бир гуноҳсиз болалар, хотин-қизлар ва қариялар тап тортмай ўлдирилганлигини барча халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўпол равишда поймол этилишидан бошқача баҳолай олмайди. Биз, дейилади мактубда, БМТга йўлланган ушбу ҳужжат туфайли жаҳон жамоатчилиги ана шу фожиа тўғрисидаги бутун ҳақиқатни билиб олишини истаймиз.

МУСТАҚИЛЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН

КАМПАЛА. Уганда халқи мамлакат мустақил деб эълон қилинганлигининг 22 йиллигини бугун тантанали равишда нишонламоқда.

Республика президенти Милтон Оботе шу муносабат билан нутқ сўзлаб, Уганда ҳукуматн миллий экономикани юксалтириш, қайси қабилага мансублигидан, диний қарашлари ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар барча гражданларнинг фаровонлигини ошириш ва конституцион ҳуқуқларини таъминлашдан иборат аниқ ва изчил йўлни ўтказиб келмоқда, деди. Айни вақтда мамлакатда хавфсизликни таъминлаш юзасидан кўп куч-ғайрат сарфланмоқда.

Миллий экономикани тиклаш ишида сезиларли муваффақиятларга эришилди, деди президент. Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилганлиги туфайли республиканинг ташқи савдо баланси камомати кейинги уч йил ичида 169,2 миллион доллардан 60,14 миллион долларгача камайди. Уганданинг валюта запаслари 1983 йилнинг июнидан шу йилнинг июнигача бўлган давр ичидагина тўрт баравардан знёд кўпайди.

М. Оботе сўзининг охирида мамлакатнинг барча гражданларини олижаноб мақсад — ягона, тинч ва яшнаб турган Угандани барпо этиш мақсадига эришиш йўлида янада зўр ғайрат билан ишлашга чақирди.



ОБЪЕКТИВДА — ПОЛЬША

СУРАТДА: Варшава олий ўқув юртларининг студентлари. ЦАФ—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕЛГРАД. Югославиянинг Савтад шаҳрида «Социализм ва тинчлик» мавзуидаги анъанавий халқаро учрашув бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари — бир қанча чет мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган олимлар бугунги кунда тинчликни сақлаш ер юзида цивилизацияни сақлаш билан баравар ва тинчлик учун курашчиларнинг олдинги сафларида социализм кучлари бориши керак, деган бир фикрда бўлдилар. Улар турли мамлакатларда тинчликни ҳимоя этиш ҳаракати кенг қулоч ёйиб, таъсири ошиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Учрашувда энг кўп қурол-яроғ йиғилган Европа қитъасига алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун ҳам Европа кескинликни юмшатиш жараёнини тиклаш учун курашда алоҳида роль ўйнаши лозим.

АФИНА. НАТО блокининг ҳарбий самолётлари мамлакат осмон чегараларини бир неча бор бузганлиги муносабати билан Греция ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Капсис қатъий норозилик билдирди. Греция ҳукуматининг вакили шуни маълум қилди.

Греция мудофаа министрлиги илгари айтганидек, НАТО блоки — Эгей денгизи районида «Дисплей детермнейшн-84» номи билан катта қўламдаги машқлар ўтказган пайтида НАТО блокига қарашли ҳарбий самолётлари 98 марта қонунга хилоф равишда бостириб кирганлиги қайд этилган. Шу муносабат билан Греция граждан авиацияси учишлари хавфсизлигини таъминлаш учун Эгей денгизида Лемнос ороли билан Родос ороли ўртасидаги ҳаво йўлини ёпиб қўйишга мажбур бўлди.

• • •

ВАШИНГТОН. Бу ерда президент Рейган Исроилнинг янги бош министри Перес билан олиб борган музокаралар натижасида Исроилга даҳол 1,2 миллиард доллар миқдорида савдо текин ёрдам бериш тўғрисида аҳдлашувга эришилганлигини оқ уй эълон қилди. Исроил бундан ташқари 1 октябрда бошланган шу молия йилида ҳарбий ҳамкорлик доирасида ҳам 1,4 миллиард доллар текин ёрдам олади.

Америка матбуоти музокараларда Исроил билан Қўшма Штатлар ўртасидаги «стратегик ҳамкорликни янада муфассаллаштириш» масалалари яна ўртага қўйилганлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан АҚШ мудофаа министри Уайнбергер яқин кунларда Исроилга бориши ҳамда АҚШ билан Исроил ўртасида ҳарбий — иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан муттасил маслаҳатлашиб туришни жорий этиш тўғрисида аҳдлашилганлиги эълон этилди. Бу ерда бундай ҳамкорликка Яқин Шарқда Исроил АҚШнинг мадади билан амалга ошираётган агрессив ниятларга мадад берувчи самарали восита деб қаралмоқда.

• • •

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр умумжаҳон қуролсизланиш кампаниясини янада самарали ва оммавий қилиш мақсадида бу ишни кучайтиришга даъват этди. Унинг халқаро ҳамжамият қароргоҳида тарқатилган докладида ушбу кампания қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш масалалари, шунингдек қуролланиш пойгаси ҳамда уруш, айниқса ядровий урушнинг ҳамма жиҳатлари билан боғлиқ хавф хусусидаги ахборот жамоатчилик ҳамма табақаларн учун бемалол бўлишини таъминлаш мақсадида 1982 йилдан бери БМТ паноҳида ўтказиб келинаётганлиги айтилади.

Шу йил, деди Х. Перес де Куэльяр, умумжаҳон қуролсизланиш кампаниясида қатнашувга мумкин қадар қўпроқ кишиларни жалб этиш, БМТга аъзо бўлган давлатлар ва ноҳукумат ташкилотларнинг кампанияда қатнашувини таъминлаш ва улар бу кампанияни қўллаб-қувватлашига муваффақ бўлиш асосий мақсад қилиб олинди.

• Инсон—табиат фарзанди

• Фан ҳақида суҳбатлар

Ҳаётнинг бебаҳо чашмаси

Ҳурматли редакция! Инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дунё океанларидаги, умуман сайёрамиздаги сувлар ҳақида мақола бершингизни илтимос қиламан.

Аҳаджон Мирзаев,
Сағбон кўчасида истиқомат қилувчи.

Сув — ҳаёт демакдир. Сув сайёрамизда кўп тарқалган бўлиб, у асосан океанлар, денгизлар, дарёлар, музликлардан иборатдир. Ундан ичишда, ер пўстида ва анчагина сув ер ости кўлларида, жинсларда шимилган ҳолда ҳамда ҳаво мосферасида учрайди.

Дунё океани сайёрадаги барча сувларнинг асосий қисми бўлиб, ундаги сувнинг миқдори 1 миллиард 6 миллион куб километрга тенг. Бу ҳажмни сон-саноқсиз атлари давомида 10 йиллик муддат ичида тўлдириш керак бўлар эди. Агар океанлардаги сувларни Ер шарига бир текис қилиб ёйса, унда икки ярим километрли сув қатлами ҳосил бўларди.

Иккинчи ўринда ер ости сувлари туради. Ер ости сувларини ҳисобга олиш анча қийин бўлиб, улар тахминан 23,4 миллион куб километрни ташкил этади. Аслида ер ости сувлари биз ўйлагандан ҳам кўп экан. Гидрогеолог А. К. Ларионовнинг берган маълумотича, ер ости сувлари запаси океан ва денгизлардагига нисбатан бор-йўғи 70 миллион куб километрча кам бўлиб, 1370 миллион куб километрни ташкил этади. Бу қадар улкан сув запасидан қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда фойдаланилянти ва унинг янги манбалари топилянти.

Чучук сувларнинг яна бир макони — музликлардир. Улар асосан Антрактида ва Арктикада ҳамда тоғлардаги музликлар бўлиб, уларда 24 миллион куб километр сув яхлаган ҳолда сақланади. Ватанимизда бу муз запаслари 14395 куб километрга тенг. Ўзбекистонимизда музликлар умумий майдонинг атиги 4 процентини эгаллайди.

Табиатдаги барча сув турларини ёзсангиз, унинг таърифи жуда кўп. Энг қизиғи шундаки, табиатда химик тоза сув топилмасдан, улар асосан кўпгина химик элементлар эриган ҳолда аралашган бўлади. Шу сабабли ҳамма ердаги сувнинг ўзига хос мазаси бўлиб, бир-бирига ўхшамайди. Тайёрланаётган овқатларнинг тотли бўлишида қандай сувда тайёрланиши асосий омиллардан биридир.

Серқуёш ўлкамиз аҳли сувнинг қадрига етади. Тошкентнинг ўчлаб анҳор ва ариқларидан зилол сувлар оқади. Фавворалларда, булоқ ва чашмаларда оби-ҳаёт қайнайди. Миришкор деҳқонларимизнинг тоғли жойларда сувни ариқлардан моҳирона оқизишини кўриб, уларнинг ўз ишининг устаси эканига таҳсин ўқиймиз.

А. АКБАРОВ,
Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.



Оппоқ қорлар билан қопланган пурвиқор тоғлар оби-ҳаёт хазинаси, она табиатнинг инсонларга инъом этган лаззатли насибасидир. Бу тоғлардан водийларга ҳаёт чашмаси—жилға-жилға-дарёлар қон томирларн каби таралиб оқади.

Шаҳримиз анҳорлари

ЧАҚАРАРИҚНИНГ КЎРКИ ЙЎҚОЛДИ

Чорсу билан Чилонзорни бирлаштирган машҳур Самарқанд дарвоза кўчасини ҳамма билади. Ана шу кўчанинг Чуқуркўприк деган жойида Чақарарик деган анҳор оқиб ўтади. Илгари унинг шарқирама сувлари кўзни яшнатиб, кўм-кўк икки соҳил ўртасида кумуш камардек жилоланиб оқарди. Ўнг томонда, пастликда гувиллаб сув тегирмон ишлаб турарди. Чап томонда турфа дарахтлар ямяшил, бўлиб, одамларни соҳилга чорларди. Шу дарахтзорлар этагида тип-тиниқ булоқлардан обизамзам каби чучук сув қайнаб чиқарди.

Саноатимиз ривож топиб, сув тегирмонларга ҳожат қолмади. Чақарариқдаги тегирмон бузилиб кетди. Бу ерлардан янги йўллар, турли қурилишлар ўтиб, кўприк номига мос бўлиб яна ҳам чуқурроққа тушиб қолди. Минг-минглаб қадимий гиштлардан тикланган кўприк ҳозир фойдаланишга яроқсиз холга келди. У ё кўмиб юборилади, ё кунпая-кун қилиб бузиб ташланади.

Ҳай, кўприк бир гап бўлар. Лекин Чақарариқнинг Чақар бекатидан Чуқуркўприккача анҳорнинг икки чеккаси ахлат ташланаверганидан Чақарариқ кичкина ариқчага айланиб боряпти.

Мана шу Чақарариқдаги ачинарли санитария аҳволи баҳонасида Собир Раҳимов районидаги Кайковус, Чинқирик, Чилонзор районидаги Қонқус, шунингдек Салор, машҳур Анҳоримизнинг баъзи жойлари ва Бўрижар каби канал ва анҳорларнинг соҳилларига ахлат-у, керакнокерак бетон-арматураларни қалаштириб ташлаш жуда хунук эканини айтиш жоиздир.

Азим шаҳримиз обҳавосини мўътадиллаштирадиган, тозалайдиган ва меҳнаткашлар дам оладиган сўлим соҳиллар озода, кўркам, дарахтзор, ямяшил бўлиши керак. Шунингдек, ариқ-анҳорларнинг кўпини кўмиб, йўқ қилиб юбормаслик керак. Зотан, серёмғир кунларда, баҳорда ёғадиган қаттиқ селларда сувлар оқиб кетадиган жарликлар, анҳор ва ариқлар бўлиши керак. Анҳор, ариқ ва жарликлар соҳилларига дов-дарахтлар экиб, кўкаламзорлаштирилса, меҳнаткашлар ҳордиқ чиқарадиган гулшан-чаманзорга айланади. Мана шулар ҳақида Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар чоратадбир белгиласалар айни муддао бўлур эди.

Т. АШРАФХОНОВ.

ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Вокзалолди майдонида метрополитен иншоотлари қурилишини ниҳоясига етказиш ва ободонлаштириш ишларини тезлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан шаҳар транспорт қатнови 16 октябрдан бошлаб шу ерда вақтинча тўхтатилади. «Ташметрострой», трамвай-троллейбус бошқармаси, шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси 1984 йил 26 октябргача Вокзалолди майдонидаги барча ишларни ниҳоясига етказишлари зарур.

Аэропорт томонидан келадиган 22, 25, 55, 40«э», 66, 106, 161-маршрутдаги автобуслар, шунингдек 2, 5, 6-маршрутдаги таксилар Кафанов кўчасидаги ер ости йўли, Пролетарский кўчасидан ўтиб, кейин аввалги маршрут бўйлаб қатнайди. 1-трамвай маршрути ҳам қисман ўзгартирилди. Бу трамвайларнинг ҳаракати Вокзалолди кўчасидан Кафанов, Полторацкий кўчалари бўйлаб ҳар икки йўналишда ташкил этилди. Сўнгра улар аввалги маршрут бўйлаб ҳаракатни давом эттирадилар. 9, 24, 26-маршрутдаги трамвайларнинг йўли эса Кафанов кўчасидан Полторацкий, Пролетар кўчалари, Рашидов проспекти бўйлаб «Марказий Универмаг» айланасига қадар ҳар икки йўналишга узайтирилади. 8-маршрутдаги трамвайнинг йўли қисқартирилиб, у темир йўл Вокзалидан Марказий бозоргача қатнайди.

Шаҳардаги барча транспорт ишларини координация қилиш бошқармаси.

Соф ҳаво— танга даво

Саломатлик посбони

Сайёрамизда жонзод борки, ҳавосиз яшай олмайди. Саноати ғоят ривожланган, транспорти кўп, аҳоли зич яшаган ортиб борган шаҳарларда ҳаво мусаффолиги ёмонлашади.

Қадим замонларда ҳам ишловчилар ўзлари билан шахталарга канарейка қушини олиб боришаркан. Қушлар шахтада ҳосил бўлган ҳар хил заҳарли газларни сезишлари билан эгаларини огоҳлантирган. Ҳозирги вақтда баъзи мамлакатларда трубалардан ёнувчи газлар чиқишини махсус ўргатилган итлар ёрдамида аниқлашмоқда.

Атроф-муҳитдаги ҳосил бўлаётган ўзгаришларни сезишда ўсимликлар ҳам катта роль ўйнайди. Йирик саноат шаҳарларида дарахт пўстлоқларидаги лишайниклар тобора камайиб боряпти. Бунга ҳаво таркибида олтингугурт куюндисининг ҳиди кўпайганлиги сабаб бўлмоқда.

Олимларимизнинг аниқ маълумотларига қараганда, одам саломатлиги учун ҳамиша посбон бўлиб келаётган, яъни ўзидан кислород чиқариб, соя-салқин қилувчи ҳамда кишиларга гўзал манзара берувчи дарахтлардан ўрик, арча, оқ акасия, чинор, тикондарахт (гледичия), тол, терак, клён, мевали дарахтлардан ўрик, олма, жийда, олхўри, тут, нок, бута дарахтлардан дўлана; наъматак, сирень, ўзидан хушбўй эфир мойи чиқарадиган манзарали гуллардан атиргул, қашқаргул, чинниргул, чамандагул, шойигул, қўқонгул, гулбеор, тугмачагул, дастаргул, наврўзгул, лолагул, гунафшагул, шафтоли, гуллардан бегония, картошкагул, гладиолус, гулсавсар, пиёзгул (лилия), оқ нагис, пиёнгуллар маданият ва истироҳат боғларига ҳамда даволаш муассасаларининг территорияларига ва болалар боғчаларига экилса, кишилар саломатлиги учун катта фойда келтиради.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

16 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

19 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
ОЛИЙ ЛИГАНИНГ
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ШАХТЁР» (Донецк)
командалари ўртасида

Ф У Т Б О Л

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ВА КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

17 ОКТЯБРДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

(икки бўлимдан иборат)

Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
С. И. ҚАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори) ВА СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати— 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см., 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржиман ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари).

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1984 йил учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА: мелиорация ва ўзлаштирилган ерлар деҳқончилиги, хусусий зоотехния (чорвачилик);

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА: тупроқшунослик, сабзавотчилик, ўсимликшунослик, техник экинлар (пахтачилик) ўрмон экинлари.

Аспирантурага кирувчилар танлаган ихтисослари бўйича, КПСС тарихи ва чет тилларининг биридан олий ўқув юрти программаси ҳажмида кириш имтиҳонлари топширадилар.

Аспирантурага кириш ҳақида институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа (фотосурат билан), сўнгги иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, эълон қилинган ишлари рўйхати ёки танлаган ихтисоси бўйича реферат, меҳнат дафтарчаси нусхаси (иш жойидан тасдиқланган).

Ариза ва ҳужжатлар 20 октябрдан 20 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 декабрда бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, аспирантура бўлими.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРИ»
жамиятининг
ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИ

«В» категориясидаги транспорт воситаларини ҳайдовчи ҳаваскорларни тайёрлайдиган

ҚУРСЛАРГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3,5 ойгача.

Машғулотлар кундузи — — соат 9 дан 12.15 гача ва 15.00 дан 18.15 гача; кечки —соат 18.30 дан 21.45 гача ҳафтада икки марта ўтказилади.

Тошкент шаҳри район ижроия комитетлари қошидаги жамиятнинг район советларига мурожаат этилсин.

Автомобиль мактаби адреси: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, 2-Чимбой кўчаси, 197-уй (10э, 28э, 34э, 38, 87, 88, 100-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар, 9, 12-маршрут таксиларининг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).

Киров райпишчеторгига қарашли 59-«Овошной» магазинининг йўқолган
ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Куйбишев район 5-болалар касалхонасининг 36771 сериядаги 031648 номерли, 36771 сериядаги 031649 номерли, 36771 сериядаги 031649 номерли йўқолган
КАСАЛЛИК ВАРАҚАЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат Университети томонидан **Абдуллаев Икромжон** номига берилган 809635 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Янгийўл Озиқ-овқат техникуми томонидан **Абдуллаев Икромжон** номига берилган 152382 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ҲИНД ВА ВЬЕТНАМ УСТАЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАР — ҚАДИМГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАСИДА ИШЛАНГАН

ЧИРОЙЛИ ЯЛТИРОҚ ШАМДОНЛАР, ГУЛДОР СОПОЛДАН ИШЛАНГАН МАНЗАРАЛИ ВАЗАЛАР, КЕРАМИКА ВА БАМБУКДАН ТАЙЁРЛАНГАН БУЮМЛАР, СТОЛНИ ТУЗАШ УЧУН БУЮМЛАР ВА ПАННОЛАРНИ

«ОЛМОС» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ МАГАЗИНЛАРИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«ОЛМОС» УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 33-17-04).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

БОҒБОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

БОҒ-ПОЛИЗ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ, ШУНИНГДЕК ТУРЛИ ХИЛ ЎҒИТ ВА ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР
17-21 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ
«ТАШХОЗТОРГ»НИНГ
Навоий кўчаси, «Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисидаги шаҳар ярмаркасида ўтказиладиган
САВДО-КЎРГАЗМАСИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ
САВДОДА ҚУЙИДАГИ ЎҒИТЛАР МАВЖУД:

НИТРОАММОФОС — қўшимча озиқлантириш учун мўлжалланган концентрациялашган азот-фосфорли ўғит. Сувда тўла эрийди.



ХЛОРЛИ КАЛИЙ—турли тупроқдаги барча хил экинларни кундалик ва қўшимча озиқлантиришга мўлжалланган, торфли ва енгил қумли тупроқларда айниқса самаралидир. Картошка, узум, бодринг ва резавор мевалар остига кузда, бошқа экинлар остига баҳорда солиш лозим. Баҳоси — 26 тийин.

ИККИЛАМЧИ НҲОТСИМОН СУПЕРФОСФАТ — барча экинлар учун мўлжалланган сувда чирувчи ўғит. Ўсимликларни экишда тупроқ остига солинади, шунингдек қўшимча озиқлантириш учун фойдаланилади. Баҳоси — 82 тийин.

Заҳарли химикатларнинг 6 тури намойиш этилади: антихлоразил — сувдаги 10—12 процентли эритмаси — мевали экинлар, узум, гул, манзарабоп ўсимликларнинг очиқ тупроқдаги оҳакли хлоразили даволашга қаратилган. Баҳоси —2 сўм.

ХЛОРАК — уй-жойлардаги ҳашаротларни йўқотишга мўлжалланган порошок. Баҳоси — 35 тийин.

КАРБОФОС — ўргимчак, куя, тиллақўнғиз ва бошқа зараркунандаларга қарши курашишга мўлжалланган концентрат. Баҳоси — 55 тийин.

ДИУРОН — писта мевали экинлар, смородина, крижовник, малина, цитрусли ўсимликлар (4 ёшдан катта бўлган), узум ва чой экинларини экишда бир йиллик ғалласимон ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашишга қаратилган эрувчан порошок. Баҳоси — 1 сўм 10 тийин.

ТЕХНИКА ОЛТИНГУГУРТИ — олма, атиргул, сабзавот ва техника экинларини оққиров касалликларига қарши, узумни—сидпумага қарши, ғалла экинларини — занг, шунингдек ўргимчакканага қарши чанглатишга мўлжалланган. Баҳоси — 26 тийин.

МИС КУПОРАСИ — бактерияли касалликларнинг олдини олиш учун вегетация даврида барча экинларга сепишга мўлжалланган порошок. Баҳоси — 59 тийин.

ТЕМИР КУПОРАСИ — данакли ва резавор мевали экинларга ишлов беришга қаратилган порошок. Баҳоси — 27 тийин.

Боғ-полиз асбоб-ускуналаридан сиз белкурак, ҳаскаш, паншаха, чопқи, культиваторлар, белкурак, кетмонлар, болталар, ер юмшатгичлар, сепиш воситалари, боғдорчилик наборлари ва бошқаларни харид қилишингиз мумкин.

Магазин 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус 14 дан 15.00 гача, дам олиш куни — душанба.

Магазинга борувчи транспорт: 1, 4, 10, 18-троллейбуслар, 7, 8, 10, 11, 15, 16-трамвайларнинг «Милиция мактаби» бекати.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 33-76-08).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

сешанба

16 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.55 «Олтин шохли буғу». Ҳужжатли фильм.
18.05 Прага шаҳар «Фок» симфоник оркестрининг концерти. Дирижер —М. Белоглавек. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
18.30 «Фан ва турмуш».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Мультфильм.
20.25 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 РСФСР халқ артистлари Г. Терехова ва С. Бережной рақсга тушади.
22.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». 2- ва 3-даврлар.
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
00.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.20 Тува АССР Давлат «Саяни» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кольцов ҳақида қўшиқ» Бадиий фильм.
23.30 Балет артистларининг чиқиши.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг медицина фанлари доктори А. М. Убайдуллаев билан учрашуви (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Латвия «Гундега» халқ ансамбли ижро этади.
20.20 «Тарҳанлар». М. Ю. Лермонтовнинг чорбоғ музейи ҳақида ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР халқ артисти М. Шамаева ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.20 «Камера фош этади». «Қасосдан қочиб юрганлар».
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Мома ер». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси (рус.)
21.00 «Табассум учун миллион». Телефильм.
21.30 МТ II

чоршанба

17 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Лаутар тароналари». Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
10.00 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.05 «Саёҳатчилар клуби».
12.05 «Касби — бригадир. Бригадирлик юмушлари». Телефильм.
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Хўжайин», «Сахалин коммунистлари ҳақида ҳикоялар».
16.10 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.05 «Драматургия ва театр». А. С. Грибоедов. «Ақллилик балоси».
17.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.20 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация Маршали С. И. Руденко билан учрашуви.
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Қадрдон менинг дарёим». Телефильм.
20.25 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Рассом Иван Шишкин». Ҳужжатли фильм.
11.05—11.35 «Антарктидага командировка». 4-кўрсатув.
12.05—12.40 «Сиз яратган боғ».
14.40—15.25 «Билимимиз — қудратимиз».
16.25 «Инспектор Ковалёвнинг юмушлари». Илмий-оммабоп фильм (Тошкент).
16.45 «Фан ва турмуш».
17.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 Д. Крамер чалади (фортепьяно).
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳаётга йўлланма».
21.30 «Время».
22.05 «Жавобсиз қолган севги». Бадиий фильм.


● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 Усмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.10 «Республика шолипояларида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.20 «Волга бўйлаб саёҳат». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекстон ССР Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — «оқ олтин» даврим». Ёшлар учун музикали программа.
23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—17.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ижодиёт эстафетаси». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Куз оҳанглари». Музикали фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
21.00 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига «Тошкентнинг 435 минг тонна «оқ олтин»и учун».
21.30 МТ II

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
16 ОКТЯБРЬ, 1984 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
— орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета
(Газета бир йилда 300 марта)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 5.

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-08-70; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-51-32; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-01-45; диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Матбуот ва Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13936. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7